

# ЛОЙИХА-СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 15

Фарғона шаҳри.

21.12.2022.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қўштепа туман Тиббиёт бирлашмаси масъулияти чекланган жамият номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари О.Муродов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «ROYAL DIZAYN LOYIHA» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Исройлов иккинчи томондан низомга асосан смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Қўштепа тумани Тиббиёт билашмасига қарашли Қўштепа туман Шодлик махалла фуқаролар йиғини худудидаги Юқумли касалликлар шифохонасига янги КНС қуриш ва 2 км оқава сув тармоғи тортиш учун лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ҳулосасини олиб бериш” мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан

**24.500.000 (йигирма турт миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 3 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар **2022 йил “10” декабрда** буюртмачига тўлиқ топрширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

## 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади.

5.2. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## 6.Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлади. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажариладиган ишлар ҳақида Буюртмачига аҳборот тақдим қилиб боради.Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш

давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

### 7. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

7.1. Агар үшбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

### 8. Кафолатлар

8.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

### 9. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

9.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хўкукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

9.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар: - курилиш-таъмирлаш ишларини тўхтаб қолиши оқибатида, объект белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаганда, ишларни сифатсиз бажарилишига тасъир қилган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва мазкур ҳолат билан боғлиқ заар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

9.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хўкуқига эга.

9.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

9.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни үшбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.7. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

9.9. Ушбу шартнома уч нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, вилоят Газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кўчга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

#### 10. Низоларни ҳал қилиш

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

##### 11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширимаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

#### 12. Шартномани бекор қилиш

12.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг З-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

12.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат үнитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хуласа берилмаган тақдирда.

12.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинг қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

12.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

12.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

Қўштепа туман Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Қўштепа т. Соҳибкор кўчаси 57 ўй

х/р: 100022860302067073101054002

ИНН: 200178113 ОКЭД: 91513

Молия вазирлиги газначилиги

х/р: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тош.ш.

МФО: 00014 10001201122919

Рахбар:  О.Муродов.

«ROYAL DIZAYN LOYIHA» МЧЖ

Манзил: Фаргона ш., Сайилгоҳ кучаси, 22Б ўй.

Тел./факс: +998 73 2440173

х.р.: 2020 8000 6047 2035 2001

Банк: Мадад инвест банк Фаргона ш.фил.

МФО: 01142 , ИНН: 300898378, ОКЭД 71.12.0

ККС код: 330050016162

Рахбар:  А.Исройлов.

---

# **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**LV7656525312**

- 1. Loyihaning turi :** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi:** **Loyixa smeta xujjatlarni ishlab chiqish 24 500 000 so`m**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:** Qo‘shtepa tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 13.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo‘shtepa tuman  
yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**I.T.ASAMUTDINOV**

**16.12.2022**